



Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф хазратлари: “Мусулмон тарихчилар, тарихни ўрганган одамнинг умри узаяди, дейишади. Хакикатда тарихни кунт билан ўрганган одам худди ўша ўзи ўрганган даврда яшагандек бўлади. Тарихни кунт билан ўрганган одам дунё тарихида бўлиб ўтган кўплаб ходисаларнинг иштирокчисига, ҳеч бўлмаса, тамошачисига айланади, десак муболага килмаган бўламиз. Бинобарин Ислом тарихини кунт билан ўрганган мусулмоннинг исломий умри узаяди. Аллоҳ таолонинг динидаги ҳаёти бой бўлади. Иймон ва Ислом оркали инсоният тарихига назар солади, дейишимиз мумкин бўлади”, деганларида канчалар ҳақ эди роҳимахуллоҳ.

Оламда турли хил жараёнлар тўхтамасдан давом этаверади. Эркак ва аёллар оила куради. Оилалар эса қабилага айланади, Қабиладан эса ҷамиятлар шаклланади. Ҷамиятлардан эса давлатлар ташкил топади. Унда эса турли хил синфлар бор: бошқарув элитаси, тижоратчилар, олимлар, армия ва бошқалар. Уларнинг баъзилари баъзиларининг устидан устун бўлади. Орадан маълум вақт ўтиб, баъзи давлатлар гуллаб-яшнади, қудратга тўлади, бошқалари эса таназзулга юз тутди. Бу ҳақида Аллоҳ таоло Қуръони қаримда: “Сен: «Эй барча мулкнинг эгаси Роббим! Хохлаган кишинга мулк берурсан ва хохлаган кишиндан мулкни тортиб олурсан, хохлаган кишингни азиз қилурсан, хохлаган кишингни хор қилурсан. Барча яхшилик Сенинг қўлингда. Албатта, Сен ҳар бир нарсага қодирсан”, деб марҳамат қилган. (Оли Имрон сураси, 26)

Инсон фақат Аллоҳ таолога ибодат қилиш учун яратилган. Аллоҳ таолога итоат қилган ва У буюргани бўйича ҳаёт кечиётган ҷамоалар бу дунёда ҳам, охирада ҳам бахт-саодатга эришадилар. Аллоҳ таоло ва Унинг динидан юз ўгирирган қавмлар таназзулга юз тутадилар. Улар билан бирга ҷамиятлари ва давлатлари ҳам қарбод бўлади. Аллоҳ таоло: “Улардан аввал Нух қавми, қудук соҳиблари ва Самуд ёлгонга чиқарганлар. Од, Фиръавн, Лут биродарлари. Ва дарахтзор эгалари ва Туббаъ қавми — барчалари Пайғамбарларни ёлгонга чиқарганлар. Бас, (азоб) ваъдам ҳақ бўлди”, деган (Қоф сураси, 12-14) оятда ҳам бу таназзулга очик ишора қилган.

Барча жараёнлар, яъни Аллоҳ таоло ўз раҳмати билан жорий қилган барча қонунларни ҳеч қим ўзгартира олмайди ёки уларни бошқасига алмаштира олмайди. Инсонларнинг ҳаёти шу қонунлар асосида кечади. Қорлиқлари ҳамда ривожланишлари ҳам Аллоҳ таолонинг мақкур қонунлари асосида бўлади. Агар ҳар бир вақт учун ёки ҳар бир жой учун мажбур бўлишнинг бошқалардан фарқ қилувчи ўз қонунлари бўлганида эди, ўзидан олдингиларининг тажрибаларини йўқотиш оркали инсонларнинг ҳаётлари қарқандаликка юз тутарди. Бироқ Аллоҳ таолонинг марҳамати билан ўтганларнинг

тажрибалари унутилмайди: кеча бўлган нарса, бугун ҳам такрорланиши мумкин, бугун бўлган нарса эса эртага ҳам такрорланиши мумкин. Киёматгача шу тарзда давом этилади. Шундай экан тарих каби фанларни яхши ўзлаштиришимиз керак бўлади. Ўтмишда бўлган воқеалар доим такрорланиб туради. Такрорланган нарса ўтмишдаги нарсалардан унчалик ҳам фарк қилмайди. Тарихни ўрганар эканмиз, ўтмишдаги воқеалар, бугунги шароит ва воқеаликларда ҳам такрор бўлаётганларини кузатиб, биз улардан ўзимизга керакли хулосаларни чиқариб олишимиз мумкин. Агар бу воқеалар шонли галаба олиб келган бўлса, биз ҳам шу галабага омил бўлган йўл билан бориб, яна шундай натижаларни қўлга киритишимиз мумкин. Шармандали натижаларга олиб келган воқеаларни таҳлил қилиб, ўшанда йўл қўйилган хатоларни такрорламасдан, улар каби яна мағлубият бўлмасликка ҳаракат қилиш керак бўлади. Шу тарзда тарихни ўрганиш жуда яхши ва керакли фойдаларни олишимиз мумкин. Тарихни факат вақт ўтказиш ёки қўнғилни очиш ёки яна бир бошқа нарсалар учун ўрганмайсиз-ку! Тарихни айнан биз юқорида айтган мақсад бўйича, яъни ундаги маъно, дарс ва ибрат олиш учун ўрганишимиз керак. Аллох таоло Куръони каримда: “Батахкик, уларнинг киссаларида ақл эгалари учун ибрат бор эди...” деб марҳамат қилган (Юсуф сураси, 111). Куръони каримнинг учдан бир қисми киссалардан иборат. Унда мўминлар Аллох таолонинг қонунларини ўрганади. Олдин ўтган қавмлардан ибрат олиб, бу қонунлар ўзгармас эканини билган ҳолда, турли хил воқеалар ҳали бўлмасидан олдин бу каби воқеалар нималар билан тугаши мумкинлигини билиб, ибрат олишлари керак. Шу тарзда ўзимизга катта фойда олишимиз мумкин. Буларга эришиш учун ҳар бир Куръонда келган киссани атрофлича ўрганиб, ўзимизга керакли хулосаларни чиқаришимиз керак. Бу ҳақда Аллох таоло айтади: “...Бу киссани ҳикоя қил, шоядки тафаккур қилсалар...” (Аъроф сураси, 179).

“Улардан аввал, улардан қўра қучлироқ асирларнинг қанчасини ҳалок қилдик. «Қочадиган жой борми?» деб юртма-юрт кезиб чиқдилар. Албатта, бунда қалби борларга ва зехн билан қулоқ оinganларга эслатма бордир” (Қоф сураси, 36-37). Ислом оламининг бугунги ҳолатидан биз ўтмиш тарихини жуда кам ўрганганиб, ундан кам ибрат олганимиздан дарак беради. Мусулмонлар қайта-қайта ўтмишдаги хатоларни такрорламоқда. Мўмин-мусулмонлар пайгамбарлар тарихи, Мухаммад саллоллоху алайҳи вассаллам сийратларини етарли даражада ўрганаётганлари йўқ. Саҳобалар ҳаётидан ҳам кам ибрат оламиз. Шунинг учун ҳам ўтмишдаги хатоларни қайта-қайта содир этмоқдамиз.

Устозимиз шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф роҳимахуллохнинг “Ислом тарихи” китобида:

Машхур тарихчилардан Ибн Асир дейди: “Амри маъруф, наҳийи мункар қиладиган одамлар тарих воқеаларидан воқиф бўлсалар, жабр ва душманлик қилувчиларнинг ҳаётларини, уларнинг оқибатида қилиб чиққан бузуқчилик, ҳаробчилик ва ҳалокатларни ўргансалар, уларнинг қабих эканлигини тушуниб етадилар ҳамда мазкур ишлардан юз ўгиришни ўзларига лозим тутадилар. Агар одил волийларнинг, гўзал ишларни қилган инсонларнинг тарихини ўргансалар, у ерда гўзал эслатмалар бўлётгани, ўша тарихий шахсларни инсонлар яхшилик билан эслаётганини кўрсалар, уларнинг юртлари обод бўлганини, турмушлари фаровон бўлганини билсалар, мазкур нарсаларни яхши санайдилар ва уларга рағбат қиладилар ҳамда ўзлари ҳам улардан ибрат олишга ҳаракат қиладилар”, деб ёзганлар...

Хуллас, тарихни яхшилаб ўрганишимиз, керак. Яқинда нашрдан чиққан шайх Мухаммад

Содик Мухаммад Юсуф роҳимахуллох каламларига мансуб “Ислом тарихи” китобини дин гамида юрган барча мўмин-мусулмонлар ўқиб чиқишини тавсия қилардим. Бу китобни ҳақиқатдан ҳам фундаментал асар сифатида баҳолай оламиз.

Манбалар асосида

Абу Муслим тайёрлади